



## ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИҚДА ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРАТИ

Ислом Марқсов

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим прокурори

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p2-72>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> February 2023

Accepted: 13<sup>th</sup> February 2023

Online: 14<sup>th</sup> February 2023

### KEY WORDS

Инвестор, тўғридан-тўғри  
чет эл инвестициялари,  
инвестиция лойиҳаси,  
инвестиция мажбурияти,  
инвестиция сиёсати,  
инвестиция фаолияти,  
инвестиция фаолиятининг  
иштирокчиси, халқаро.

### ABSTRACT

Ушбу мақола орқали хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ҳолати таҳлил қилинган, инвесторлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, уларнинг суд ҳокимиятига ишончини оширишга эришиш мақсадлари ҳамда юртимиз рейтингини яхшиланишига хизмат қилиши назарда тутилган.

Глобаллашув жараёнида давлатлар ва шахслар ўртасида капитал алмашинуви тобора кучайиб бориши билан мазкур субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга ҳам эҳтиёж кучаймоқда.

Хорижий инвестициялар ҳуқуқи ўз навбатида, умумий халқаро ҳуқуқни, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг барча стандартларини ва шу соҳага тааллуқли бўлган алоҳида нормаларни ўз ичига олади. Ушбу соҳани тадқиқ қилиш учун юқоридаги уч унсур ўрганилиши керак. Бундан ташқари, чет эл инвестициялари тўғрисидаги қоидалар, зарурат туғилганда давлатнинг хорижий инвестицияларни қабул қиладиган миллий қонунчиликнинг хусусиятларини ҳам ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсишида хорижий инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, хорижий инвестицияларни қабул қилувчи давлат, ўз навбатида, инвесторларга уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларини бермоғи ҳамда уларни амалда таъминламоғи лозим.

Мисол учун, Канаданинг 1985 йилда қабул қилинган “Инвестициялар тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасида хорижий инвестициялар Канада иқтисодиётини ривожлантириш, шунингдек ишлаб чиқаришда янги иш ўринларини яратиш ва экспортда етакчи ўрин эгаллаши белгиланган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Rudolf Dolzer and Christoph Schreuer. Principles of International Investment Law: New York: Oxford University Press // First published 2008. – P. 3.

<sup>2</sup> Investment Canada Act 1985. URL: <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/I-21.8/page-1.html#doc-Cont> (дата обращения: 06.03.2019).



Бундан кўринадики, хорижий инвесторлар ҳуқуқий кафолатлари ва уларни амалда таъминлаш механизмлари чет эл “кайфияти” билан ёғрилган миллий қонунчиликда ўз аксини топиши лозим.

Сўнгги пайтларда давлатлар учун халқаро иқтисодий ҳуқуқ бўйича келишувга эришиш тобора қийинлашиб бормоқда. Давлатнинг чет эл сармояларини ҳимоя қилишнинг керакли даражасини белгиловчи ички қонунни қабул қилиш давлатнинг бир ёки бир нечта шериклар билан шартнома тузишга тўғри келадиган харажатларидан кўра қулайроқ бўлиши мумкин<sup>3</sup>.

Чет эллик сармоядорларни Ўзбекистонга кенг жалб қилиш мақсадида мазкур соҳада мавжуд муаммолар чуқур ўрганилиши ва масаланинг долзарблиги нуқтаи назаридан қонунчиликка бир қатор таклифлар ишлаб чиқилиши керак.

Маълумки, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Францияга расмий ташриф доирасида Париж шаҳрида етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун эндиликда европалик инвесторларга қулай бизнес муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Европа ҳуқуқий муҳитига яқинлашишимиз ҳам самарали бўлади.

Айниқса, Европа Кенгашининг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда HELP дастурини ишга тушириш Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва Европа Кенгаши билан Ўзбекистоннинг бир-бирини тушунишини яхшилашга ёрдам беради.

Шу муносабат билан Европа Кенгашининг HELP таълим дастуридаги:

- инсон ҳуқуқлари - бу барчамизни ҳимоя қиладиган асосий ҳуқуқ ва эркинликдир, улар қадр-қиммат, адолат, тенглик ва ҳурматга асосланади;
- корхоналар бизнинг ҳаёт тарзимизга ва инсон ҳуқуқларидан амалда фойдаланишга сезиларли таъсир кўрсатади;
- компанияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни йўлга қўйиш учун аввало инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш маданиятини йўлга қўйиш керак;
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маданияти компаниянинг операцияларида, структурасида ва ҳар бир ходим фаолиятида акс этиши лозимлиги ҳақидаги тамойилларни ўз ҳуқуқий муҳитимизга тизимли ўтказишимиз лозим.

Бундан ташқари, ҳуқуқий тажриба сифатида биринчи навбатда халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудларида инвестицияга оид низоларни кўриб чиқувчи ихтисослаштирилган судни ташкил этиш ҳамда мазкур ҳудуд иштирокчилари томонидан тузиладиган ҳар қандай битимдан келиб чиқадиган низоларни инглиз ҳуқуқининг нормалари асосида ҳал этиш имкониятини қонун ҳужжатлари орқали мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ кўринади.

Фикримизча, давлат – хусусий шериклик соҳасида инвестиция жозибадорлигини ошириш ҳам яхши натижа беради.

<sup>3</sup> Jarrod Hepburn. Domestic investment statutes in international law. American Journal of International Law. Volume 112, Issue 4. October 2018. - P. 662. URL: <https://doi.org/10.1017/ajil.2018.85>



Жорий йил 10 ойида умумий қиймати 3,09 млрд. долл.дан ортиқ бўлган 196 та (131 таси имзоланган, 33 таси имзоланиш арафасида, 32 таси тендер босқичида) давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилди.

Ўрганишлар давлат-хусусий шерикликни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида ривожлантириш, ДХШ асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг 99,2 фоизи (21 963 та) мактабгача таълим соҳасида йўлга қўйилганлигини инobatга олиш, ижтимоий ва коммунал соҳалар, шаҳарсозлик ва ободонлаштириш, йўл хўжалиги, энергетика ва бошқа муҳим соҳаларда ДХШ тизимини фаоллаштириш зарур кўринади.

Шунингдек, ДХШ лойиҳалари Давлат мулки негизида ташкил этилишини инobatга олган ҳолда, ДХШ тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришга масъул орган сифатида Давлат активларини бошқариш агентлигини белгилаш фойдали бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига асосан инвестиция фаолиятининг эркинлиги ушбу фаолиятнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади.

Бироқ, бугунги кунда маҳаллий инвесторлар мулкларини баҳолашнинг ягона мезони йўқлиги сабабли, кўп ҳолларда мулклар арзон баҳоланганлиги ҳақида тадбиркорларнинг ҳақли эътирозлари келиб чиқмоқда. Шу билан бирга, хорижий экспертлар, инвесторлар, баҳолаш ташкилотлари ва бошқа мутасадди идораларнинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда чет эл тажрибасини ўрганиш ҳамда компенсация қилинаётган мулкни баҳолашнинг ягона мезонини ишлаб чиқиш бирмунча самарали кўринади.

Буларнинг натижасида мамлакатимизда инвесторлар, шу жумладан, чет эллик инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг суд ҳокимиятига ишончини оширишга эришилади, бу эса ўз навбатида, Ўзбекистонда янада жозибадор инвестициявий муҳит яратилишига хизмат қилади.